

SOHIBQIRON YULDUZI

СОХИБҚИРОН ЮЛДУЗИ
OWNER STAR

№3 (60) 2025 йил





SOHIBQIRON YULDUZI

Ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal

СОХИБКИРОН ЮЛДУЗИ

Общественно-исторический, научно-популярный
журнал

OWNER STAR

Socio-historical, scientific and popular magazine

Qarshi-2025



	<p style="text-align: right;">ISSN 2181-2845</p> <h2 style="text-align: center;">SOHIBQIRON YULDUZI</h2>
<p>Ijtimoiy-tarixiy, tarixiy va ommabop jurnal 2010 yildan boshlab chiqarilmoqda</p> <p>Muassis: SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J</p>	<h3 style="text-align: center;">2025/ 3 (60) - SON</h3>
<p>Bosh muharrir: Ochil Bo‘riyev</p> <p>Nashr uchun mas‘ullar: Ravshan To‘xtamishev Ilhom Tog‘ayev</p> <p>TAHRIR HAY‘ATI A‘ZOLARI: akademik Akmal Saidov akademik Anatoliy Sagdullayev akademik Dilorom Yusupova Sirojiddin Sayyid prof. Abdurahim Erkayev prof. Qahramon Rajabov prof. Yulduz Ergasheva prof. Bahodir Eshov filol.f.d. Nafas Shodmonov t.f.d. G.Mo‘minova prof. Shokir G‘afforov filol.f.d. Xo‘jamurod Jabborov filol.f.d. Damin To‘rayev t.f.d. Akram Hasanov prof. Kamoliddin G‘aniyev t.f.d.dots. Matluba To‘rayeva t.f.d. prof. Faxriddin Rahmonov t.f.f.d. Ra‘no To‘xtayeva t.f.f.d. Feruz Narmanov p.f.n.d. Mahbuba Ismoilova t.f.f.d dots. Murtoz Usmonov t.f.f.d dots. Shuxrat Turayev t.f.f.d.Sarvinoz Omonova t.f.f.d Sohiba Sulaymonova t.f.f.d.Jamshid Kucharov t.f.f.d. Mamlakat Qodirova prof. Murodillo Haydarov</p>	<h3 style="text-align: center;">MUNDARIJA</h3> <h4 style="text-align: center;">TADQIQOT</h4> <p>R.Ashrapov. Tadqiqot zamonaviy yoshlarning ma‘naviy rivojlanishi kontekstida kitobxonlik madaniyati fenomeni.....4</p> <p>M.O‘rolova. O‘zbekiston davlat muzeylari ekspozitsiyasida ikkinchi jahon urushi davrining yoritilishi. (Toshkent muzeylarining ilmiy tahlili asosida).....11</p> <p>Z.Buriyev. XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Turkiston o‘lkasining boshqaruv siyosati va uning mohiyati... 19</p> <p>M.Nazirov. Farg‘ona viloyatidagi migratsion jarayonlarda tibbiyot sohasidagi o‘zgarishlar (1876-1917 YY.).....23</p> <p>U. Ostonov. Mang‘it urug‘ining shakllanish jarayoni.....28</p> <p>S.Тошев. Глобаллашув даврида ёшлар онгига таъсир килувчи ички ва ташки тахдидларларнинг юзага келиши ва оқибатлари.....34</p> <p>С.Атабекова. Основы формирования международной системы охраны памятников.....43</p> <p>I.Axatov. O‘zbekiston va Malayziya davlatlari o‘rtasidagi iqtisodiy hamkorlik tarixi.....48</p> <p>B.Shamsutdinov. Xorijiy davlatlarda fuqarolar murojaatlari bilan ishlash holati va mahalliy tizimni takomillashtirish masalalari.....54</p> <p>Ш.Жумаева. Ўзбек халқи этномаданиятида зиёрат (Тошкент вилояти зиёратгоҳлари мисолида).....66</p> <p>Н.Кувватова. Социальный срез общества Бухарского эмирата в конце XIX - начале XX вв.....71</p> <p>У.Очилов. Диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий профилактика жараёнининг ташкилий масалалари.....79</p> <p>М.Ҳамраев. Амир Бухороси ва совет Россияси ўртасидаги Қизилтепа сулҳи.....87</p> <p>S.Nomazova. Вахшичилик сан‘ати шаклланишининг тарихий асослари.....90</p> <p>T.Shukurov. Qashqadaryo viloyati davlat arxivining tashkil etilishi va uning fondlarida saqlanayotgan hujjatlarning viloyat tarixini o‘rganishdagi ahamiyati.....95</p>



30. Инго Кеилитз. Право на обращение в Узбекистане, России, Германии, Великобритании, Соединенных Штатах Америки и Австралии: сравнительный анализ. //Проект ПРООН «Партнерство в сфере верховенства закона в Узбекистане» (ПСВЗ) /2015. – С 34.
31. О.Р.Файзиев. Ўзбекистон Республикасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш қафолатлари. Монография. Тошкент.2021.298-299-б.
32. We the People (petitioning system).
[https://en.wikipedia.org/wiki/We_the_People_\(petitioning_system\)](https://en.wikipedia.org/wiki/We_the_People_(petitioning_system))
33. Contact Us. Share Your Thoughts with the President.
<https://www.whitehouse.gov/contact/>
34. Электронное правительство Республики Корея: история и опыт создания. Отдел аналитики -20.01.2016. <https://d-russia.ru/elektronnoe-pravitelstvo-respubliki-koreya-istoriya-i-opyt-sozdaniya.html>

УДК:623/7

ORCID: 0009-0006-6617-3483,

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОМАДАНИЯТИДА ЗИЁРАТ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ МИСОЛИДА)

Жумаева Шоира Бердияровна,

Чирчиқ давлат педагогика университети

Аннотация: Мақолада ўзбек халқи кундалк турмуш тарзида зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимлари ҳамда аҳамияти Тошкент вилояти муқаддас қадамжоз зиёратгоҳлари мисолида ёритиб берилган. Муқаддас қадамжозлар ва зиёратгоҳлар ҳамда ўзига хос зиёрат маросимлари ўзбек халқининг этномаданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунингдек, муаллиф томонидан зиёратгоҳларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тошкент воҳаси, этномаданият, қадамжоз, зиёратгоҳ, мерос, зиёрат, цивилизация, ЮНЕСКО, маросим, зиёрат туризми, ёш авлод, тарбия.

ПАЛОМНИЧЕСТВО В ЭТНОКУЛЬТУРЕ НАРОДА УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ ПАЛОМНИЧЕСТВА ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ)

Джумаева Шоира Бердияровна,

Чирчиқский государственный педагогический университет

Аннотация: В статье освещается значение святых мест и ритуалов паломничества в повседневной жизни узбекского народа на примере священных мест Ташкентской области. Святые места и обряды паломничества являются неотъемлемой частью этнокультуры узбекского народа. Также автором проанализирована роль и значение этих мест в воспитании молодого поколения.



Ключевые слова: Ташкентский оазис, этнокультура, святое место, святыня, наследие, паломничество, цивилизация, ЮНЕСКО, обряд, паломнический туризм, молодое поколение, воспитание.

PILGRIMAGE IN THE ETHNOCULTURE OF THE UZBEKISTAN PEOPLE (ON THE EXAMPLE OF PILGRIMAGES OF THE TASHKENT REGION)

Jumaeva Shoira Berdiyarovna
Chirchik State Pedagogical University

Abstract: The article highlights the significance of sacred sites and pilgrimage rituals in the daily life of the Uzbek people, using the example of the holy places in the Tashkent region. Sacred places and pilgrimage practices are an integral part of the Uzbek ethnoculture. The author also analyzes the role and importance of these sites in the upbringing of the younger generation.

Keywords: Tashkent oasis, ethnoculture, sacred place, shrine, heritage, pilgrimage, civilization, UNESCO, ritual, pilgrimage tourism, younger generation, upbringing.

Ўзбекистон нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланади. Жумладан, юртимиздаги уч мингдан ортиқ моддий-маънавий ёдгорликларнинг умумжаҳон меросининг ноёб намуналари сифатида ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилганлиги фикримиз далилидир [1]. Айниқса, ислом дини ривожланишида буюк боболаримиз кўшган ҳиссасини бутун мусулмон дунёси катта ҳурмат ва эҳтиром билан тан олади. Таниқли олим Ғайбулла ас-Салом таъкидлаганларидек “Юртимиз шундай муқаддас маконки, қаерида юрмагин, қадамингни эҳтиёт бўлиб ташлашинг керак: чунки унинг ҳар бир тоши ёки кесаги буюк бир зотнинг хоки бўлиши мумкин! [2]”

Ўзбек халқи қадимдан буюк зотлар ва авлиёларга ҳурмат билан қараб, уларни улуғлаш билан қаторда, вафот этганларидан сўнг ҳам мунтазам зиёрат қилиб туриш анъанасига амал қилиб келган. Совет ҳукуматининг даҳрийлик сиёсати сабабли ана шунда буюк алломалар, авлиё даражасидаги улуғ зотларнинг номлари унитилиб, халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди.

Мустақиллик шарофати ила миллий ўзлигимизни англаш, кўҳна тарихимизни тиклаш ва ўрганиш имкониятига сазовор бўлди. Айниқса, муқаддас динимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Буюк аждодларимиз Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Имом Мотрудий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд каби авлиёларимизнинг номлари тикланиб, уларнинг маънавий мероси ўрганилиши учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Мустақиллик йилларида буюк боболаримиз хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, зиёратгоҳлар жамиятимиз маънавиятини юксалтиришга,



миллий онг, ўзликни англаш ва миллий ғурурни кўтаришга, ҳамда халқимиз айниқса, ёшлар онгида мустақиллик мафқурасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ана шундай буюк алломалар, олиму-уламолар ҳамда Тасаввуф тариқати намоёндалари яшаб ўтган азим Тошкент воҳаси қадамий зиёратгоҳлар жойлашган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Тарихдан маълумки, Тошкент воҳаси инсонлар томонидан Тош давридаёқ ўзлаштира бошланган. Аждодларимиз Чирчиқ (Турк, Барак ёки Парак, Чир) дарёси ҳавзаси водийсида жойлашган, дарё ирмоқлари ва анҳорлар орқали мўл-кўл суғориладиган, чорвачилик яйловлари, деҳқончилик ва боғдорчилик учун яроқли серхосил тупроғи бўлган воҳада ҳар томонлама буюк тамаддунга тамал тошини қўйди. Қадим-қадим замонларда Тошкент (туркийда-Чоч; хитойчада-Юйни, Чжеши, Ши, Ташиган; араб тилида-Шош, Шошканд) Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари водийларини, уларга туташиб кетган бепоён Дашти Қипчоқ кенгликлари ва Мовароуннаҳр деҳқончилик воҳаси ўртасида ястаниб ётган Сирдарё чап қирғоғи тоғ ва дашт туманларини эгаллаган эди. Қулай иқлим, бой фойдали қазилмалар (олтин, кумуш, темир, кўрғошин, феруза ва бошқалар) ва серунум тупроқ воҳанинг иқтисодий тараққий этишига, айна чоғда кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ деҳқонларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий, савдо-сотик ва маданий алоқалари марказига айлантирди. Биринчи минг йиллик бошидаёқ Тошкент воҳаси Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим марказлардан бирига айланиб бўлган эди.

Тошкентнинг қадим ва буюк тарихи тўғрисида - қадимги ва ўрта асрларга оид юзлаб қўрғонлар, шаҳарчалар ва меъморчилик ёдгорликлари маълумот беради. Мусулмон малакатларини кезиб чиққан араб, форс олим ва географлари Ал-Истахрий, Ибн Ҳавқал ва Ал-Муқаддасий томонидан Шош тарихий вилояти куйидагича таърифланган: “Хуросон ва Мовароуннаҳрда жомеъ масжидлари, обод қишлоқлари кўплигию, заминлари кенглиги ва иморатлари кўплиги-аҳолисининг куч-қуввати ва жасурлиги борасида бу каби бошқа бир мамлакат учрамайди...”

Тошкент вилояти нафақат иқтисодий ва сиёсий мавқеининг юқорилиги билан балки шу тупроқда туғилиб ўсган буюк алломаларию авлиёлари билан дунёга машҳурдир. Тарихдан маълумки, VIII асрда юртимизга ислом дини ва маданиятининг кириб келиши билан улуғ алломалар, авлиёларга бўлган эътиқод кучайди. Уларнинг вафотидан сўнг қабрлари обод этилиб, зиёратгоҳларга айлантирилди. Авлиёларга ҳурмат, уларнинг маънавий меросини ўрганиш, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни зиёрат қилиш ўзбек халқининг муҳим ментал хусусиятларидан бири ҳисобланади.

“Зиёрат”- атамаси арабча сўз бўлиб, “бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш” маъносини англатади. Зиёрат – ислом динида муқаддаслаштирилган мозорлар, қадамжолар ва зиёратгоҳларга бориб, муайян расм-русмларни бажариш демакдир [3]. Ватанимизнинг қайси гўшасига қадам қўйманг, ўзига хос муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга дуч келасиз. Шуни таъкидлаш



лозимки, зиёратгоҳлар нафақат диний-маърифий маскан, балки ёшларнинг тарбиялашда ўзига хос тарбия ўчоғи вазифасини ҳам бажариб келади.

Жумладан:

– Инсонларнинг аралашувисиз пайдо бўлган табиий зиёратгоҳлар (булок, ғор, дарахт) ёш авлодни табиатни севишга, унинг гўзаллигидан завқ олишга ва табиатга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади;

– зиёратгоҳлар жамоавий учрашадиган жой бўлиб, ўзаро маданий алоқалар алмашинадиган макондир;

– зиёратгоҳлар инсонлар онгида эзгулик манбаи, меҳр-мурувватга чорловчи муқаддас жой вазифасини ўташ билан бирга уларда ҳалоллик, поклик, ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик, ўз касбини севиш каби туйғуларни шакллантирган;

– халқона қарашларга кўра зиёратгоҳлар руҳий таскин берувчи, дарддан халос этувчи ҳамда савобли амалларни бажаришга чорловчи диний-маърифий маскан;

– зиёратгоҳ ёшлар онгига савобли ишлар қилган инсонлар охирати обод бўлади деган тушунчаларни мустаҳкамлайди;

– зиёратгоҳлар ёшларнинг тарихий, маънавий ва ахлоқий билимларини оширади;

– зиёратгоҳлар очик музей, дарсхона, маънавий покланиш маскани, мамлакат ва миллат тимсоли, обрўси, маънавий-маданий бойлиги ҳисобланади [4].

Зиёрат маросимлари таҳлил қилинар экан, мазкур маросимларнинг вужудга келишида маҳаллий аҳолининг тарихий даврлар давомидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти акс этганлигини кўриш мумкин. Чунки, зиёрат маросимлари ҳам халқ онги ва дунёқараши асосида ўзгариши, айрим урф-одатларнинг эврилишларга учраганлигини яққол кўриш мумкин. Жумладан, Тошкент вилояти аҳолисининг зиёратгоҳларга бориш ва зиёрат маросимларини бажаришдан асосий мақсади, Аллоҳнинг иноятига эришиш, гуноҳлар учун тавба-тазарру қилиш, авлиёни васила қилиш орқали Оллоҳдан барака ҳамда мадад сўраш, касаллар дардига шифо, бефарзандлар эса фарзанд сўраш, оилавий муаммоларга ечим топиш ҳисобланади. Шу билан бирга, зиёратчилар ўзига хос руҳий юксалиш (ҳиммат)га эришишларига ишонади. Яъни, барака бу – моддий жиҳатдан юксалишни англатса, ҳиммат эса инсоннинг маънавий юксалишини англатади.

Бугунги кунда зиёратгоҳлар нафақат маҳаллий аҳоли учун балки, юртимизда зиёрат туризмини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакатимиз уламоларининг ислом дини ва илм-фан равнакига кўшган ҳиссаси, уларнинг илмий-маънавий мероси ҳамда Марказий Осиё худудининг ислом цивилизациясининг шаклланишида тутган ўрни, халқимизнинг бой тарихи ва меҳмондўстлиги зиёрат туризминининг асоси ҳисобланади. Исмоил Сомоний, Чор Бақр, Чашмаи Аюб, Шоҳизинда, Руқобод, Имом Ал-Бухорий, Баҳоуддин Накшбанд, Гўри Амир, Хўжа Аҳрор, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳазрати Имом, Занги Ота, Султон Саодат, Ҳаким ат-



Термизий каби машхур зиёратгоҳлар фикримиз далилидир. Жумладан, Тошкент вилоятида жойлашган Зангиота зиёратгоҳи Марказий Осиё минтақаси халқлари учун ғоятда муқаддас қадамжо ҳисобланади. Бу тарихий-меъморий мажмуани ҳар куни 5 минг нафар зиёратчи ва сайёҳлар зиёрат қилгани буни яққол тасдиқлайди. Зиёратчиларнинг турли мамлакатдан эканлиги ҳам эътиборга моликдир.

Бундай улкан салоҳият эса ўз навбатида зиёрат туризмни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига унинг атиги 500 таси киритилгани танқидий таъкидлаб ўтилди. Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур маршрутлар сонини жорий йилда 800 тага ошириш вазифаси белгилаб берилди [5]. Бу соҳада аввало, зиёрат туризмнинг асосий объектлари бўлган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни ўрганиш, кенг миқёсда тарғиб этиш лозим. Зеро, Ўзбекистон замини бутун дунёдан ислом цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида сайёҳларни чорлаб келмоқда. Қадимдан машхур Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Хива, Тошкент, Термиз, Қўқон каби шаҳарларда жойлашган ноёб тарихий меросдан унумли фойдаланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини кўтариш, халқимиз фаровонлигини ошириш билан бирга, уларни келажак авлодларга етказиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.Эралиев, И.Остонакулов, Н.Абдулаҳатов Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри. Т.2015.
2. Ш.Б. Жумаева Ўзбек халқининг миллий қадриятлар тизимида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар. ЎзМУ хабарлари. 2018 йил 1/6.
3. М.А. Усмонов Ислом.-Т., "Шарқ", 1986.
4. Б. Эралиев, И.Остонакулов, Н. Абдулаҳатов Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Фарғона вилояти. 1-жилд.Тошкент-2014.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. №19.25.01.20.1-3 б.
6. Jumaeva Sh.B. Jaynarov O.Kh. REVIVAL OF PILGRIM TOURISM ON CROSSROAD OF THE GREAT SILK ROAD (ON THE EXAMPLE OF THE TASHKENT OASIS) //Journal of Survey in Fisheries Sciences 10(2S) 3372-3380 2023, P.p.3372-3680
7. Jumaeva Shoir Berdiyarovna. Images about the Tree Cult at Uzbek People's Pilgrimage Rituals // Journal of Ethics and Diversity in International Communication | e-ISSN: 2792-4017 | www.openaccessjournals.eu | Volume: 2 Issue: 2. Pp.18-22

Ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal

ISBN-2111-0281



2181 0282